

Қазои ҳожат вақтида гаплашиш мумкин эмас (Йигирма учинчи суннат)



11:55 / 13.07.2019 4226

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Икки киши қазои ҳожатни ирода қилиб чиқиб, авратларини очиб, гаплашавермасин. Чунки Аллоҳ азза ва жалла бундан ғазабга келур»**, дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда хало одобига хилоф нарсалар ҳақида сўз бормоқда. Ҳадиси шарифга биноан, икки киши бир-бирига яқин жойда қазои ҳожат қилмаслиги, авратини очмаслиги ва гаплашмаслиги керак.

Умуман, бировга яқин жойда қазои ҳожат қилиш, авратини очиш ёки қазои ҳожат вақтида гаплашиш ҳеч қайси бандага тўғри келмайдиган иш. Бундай ишни қилиш қанчалик ёмон эканини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Чунки Аллоҳ азза ва жалла бундан ғазабга келур»** деган гапларидан ҳам тушуниб олсак бўлади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан